

АТЛАСЛАР ШОХИ ХОН АТЛАС

Бўриева Барно Юсуповна

“Термиз” давлат музей – қўриқхонаси кутубхона мудир

Аннотация: ушбу мақолада Хон атлас, адрас ва беқасам тарихи келиб чиқиши қандай яратилгани, қандай ишланганликлари ҳозирги кунда мамлакатимизда тутаётган ўрни ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлари: Хон атлас, урф-одат, марғулон, хотин-қизлар, фестивал, ўзига хос хусусиятлари, мато, миллий либосларимиз, асрлик ўтмиши, бутун дунё, дид эстетика, мерос.

Хаммамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан миллий либосимизда халқимизнинг минг асрлик ўтмиши, урф-одат анъаналари, диди, эстетик қарашлари, шунингдек, ўзига хос хусусиятлари мужассамлигини намоён этиш, миллий қадриятларимизни мазмунан бойитиш мақсадида «Хон атлас» фестивалини ўтказиш анъанага айланди. Хон атлас тарихи эса бир замонлар Марғилонда бузчи ўтган. Унинг гўзалликда танхо қизининг тарифини эшитган Марғилон хони қизга 5 хотини бўлишга оғиз солади. Буни эшитган бўзчи қизини ёшлигини, уни хотинликка олмаслигини ўтиниб сўрайди.

Шунда хон Унга вақт беради ва шу вақт ичида чиройли хайратланарли нимадир яратишини, агар шартни бажарса қизини тинч қўйишини айтади.

Бўзчи ғамга ботиб ариқ ёкасида узоқ ўтиради, бу вақтда ёмғир ёққан камалак сувига тушиб жилоланарди. Бўзчи ялтираётган ранго ранг камалак аксидан андаза олиб бир мато яратади.

Матода хамма ранглар уйғунлашганди. У ишини тугатиб хонга олиб боради. Хон бу матодан хайратга тушиб қандай яратганини сўраганда. Бўзчи

мен бу матога лоланинг қизил рангини, осмоннинг кўк рангини, мажнунтолнинг яшил барги, заррин куёш нури ва қизимнинг кўзидаги учқунни жило қилдим деб жавоб беради.

Хон матони силаб туриб Унга хонатлас деб ном беради. Бузчининг қизини Эса узининг сеvimли углига никохлаб беради.



Мана шунча аср ўтганига карамай хонатлас модадан қолмай келяпти. Бу мато қизининг бахти учун курашган ота томонидан яратилгани учунми барча атлас кийган қизларни гўзал ва беғубор қилиб кўрсатади.

Бундан ташқари атлас матоси теригаям фойдали, иссик да салкин тутувчи матодир. Хон атлас, адрас ва беқасам матолардан бетакрор дид билан тикилган либослар латофатли аёлларимиз эғнида янада чирой очиш билан бирга неча асрлик миллий ва маънавий анъаналаримизни ҳам ёдга солади. “Бугун фақат бизда эмас, бутун дунёда миллий матоларимизга қизиқиш ортиб бормоқда. Миллий либосларимиз фақатгина кийим эмас, балки халқимизнинг руҳи, анъаналари ва маданияти акс этган жонли санъатдир. Мана бир неча йилдирки мамлакатимиз бўйлаб “Хон атлас” фестиваларини ўтказиш анъанага айланди. Мақсад эса ипак

матоларимизнинг истеъмол бозордаги мавқийини яна-да мустахкамлаш, ёшлар ўртасида атлас ва адас тарғиботини кучайтириш, ипакчи ҳунармандларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, ушбу матодан тикилган либосларда халқимизнинг асрларга туташ бўлган ўтмиши, урф-одатларимиз ва анъаналари, диди эстетик қарашлар, ўзига хусусиятлари мужассамлигини намоиш этишдан иборат.



Мазкур фестивал доирада вилоятдаги ташкилот, кўрхона ва идоралар қатор маҳнат жамоаларида ўзига хос челенжлар билан ўтказилиб келинмоқда. Шунингдек маҳаллаларда хонатлас парадлари, таълим муассалари, қолаверса хонадонларда бир неча асрлардан буён урфдан қолмай келаётган мато тарихга бағишланган маънавий-маъруфий кўرғазмали тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Шунинг ҳозирги кунда Марғилонда ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази ташкил этилгани ҳам унинг эътиборидан четда қолмади. Қадимдан атласу адас, банорасу беқасам тўқилган маскан сифатида ном қозонган бу шаҳарга бориб, ҳунармандлар тўқиётган ва ўзи севган миллий матолардан танлаб-саралаб келтирадиган, сўнг улардан бежирим либослар тикиб, бозорларга чиқарадиган бўлди. Мустақилликнинг илк йилларида очган кичкина устахонасини кенгайтириб, цехга айлантирди. Бугун унинг мижозлари сони ортиб бораёпти. Маҳсулотлар турларини ҳам кўпайтирилмоқда. “Хонатлас деб эса энг аъло сифатли атласни айтишган экан”. Аммо ривоят замирида ҳам катта бир ҳақиқат борлигини англадик бу мато ҳунармандларнинг пешона тери, қалб кўри, кўз нури эвазига юзага келган. Бугунги кунда кўча-кўйда атлас ё адасдан тикилган либосдаги қизу жувонларни кўрганида Ҳар бир одамнинг кўзлари яшнаб кетади, кўнгли ғурурга тўлади. Халқининг шундай қимматбаҳо мероси борлигидан ҳайратига ҳайрат кўшилади, фахрига фахр эш бўлади. Атлас ҳақидаги машҳур кўшиқлар ҳам ёдига тушади: Ёки мактабда ўқиб юрган кезларимизда дугоналар билан бирга байрам тадбирларида айтган кўшиғини хиргойи қилиб, шу матолардан кўйлақлар кийганларимиз ҳам эсларимизга тушади.

Худди шундай “Хон атлас” фестиваллари “Термиз” давлат музей кўрикхонасида ҳам ўтказилиб келмоқда бунда 11 506 ҳарбий қисм хотин қизлари фаол иштирок этишмоқда. билан Қадриятларимизни эъзозлаб, урф-одатларимизни умрбоқийлигига ҳисса қўшаётган шундай музейлар бор экан, жонажон юртимиз кенгликлари узра бардавом бўлаверади.



Фойдаланган адабиётлар:

“Сурхон тонги” газетаси

“Маданият газетаси”

Ctrl/Command+Enter

Info@Siut.uz

Info@nspi.uz